

Қуръон базмига 250 мингга яқин мухлислар ташриф буюрди



Қуръон базмига 250 мингга яқин мухлислар ташриф буюрди

08:00 / 14.05.2022 7886

Бир куни мисрлик машҳур қори, шайх Абдулбосит Абдуссомад роҳимаҳуллоҳнинг уйларини эшиги тақиллади. Очиб қарасалар, ҳиндистонлик бир киши экан. Шайхнинг тушунишларича, у Ҳиндистон муслмонлари орасидаги энг бой киши томонидан юборилган вакил экан. Вакил у кишидан Ҳиндистонга бориб, Қуръон кечаси уюштириб беришларини илтимос қилади ва бу илтимоси Ҳиндистондаги миллионлаб муслмонлар номидан бўлаётганини, уларнинг истак ва хоҳишларини рад этмасликни, чунки улар шайх Абдулбосит қорини овоз ва тиловат услубларига ошиқ эканликларини, овозларини ёзиб олиш учун шай эканликларини, ташрифларини интизорлик билан кутаётганларини, улуғ қорининг Ҳиндистонга ташрифлари улар учун байрамдек бўлишини маълум қилади. Шайх ушбу таклифни қабул қилиб, Ҳиндистонга сафар қиладилар.

Шайх Абдулбосит роҳимаҳуллоҳ у ерда қанча инсонлар кутиб турганини тасаввур ҳам қилмаган эдилар. Тадбирни ташкил этаётган ҳиндистонлик муслмон тадбиркор мамлакатдаги энг катта ва кенг масжидда Қуръон базмини ўтказишни режалаштирган эди. Катта масжиднинг танланиши эса барча ташриф буюрувчиларни сиғдирди олиши учун тайёрланган эди. Бироқ

тадбиркор ташриф буюрувчиларнинг кўплигидан ҳайратда қолди. Сўнгра бу муаммони ҳал этиш ва одамларни сиғдириш учун тадбир катта стадионга майдонига кўчирилди. Барча тиловатни тинглашга шай бўлиб турганда кутилмаганда мисрлик Қуръон ҳофизини тинглаш учун мамлакат Бош Вазири Индира Ганди ҳам ташриф буюрди. Қарийб 250 минг ҳиндистонлик мусулмонлар шайх Абдулбосит Абдуссомаднинг тиловатларини тинглаб роҳатландилар, қалблари жунбушга келди.

Шайх Абдулбосит Абдуссомад қоридан Аллоҳ таоло рози бўлсин!

«Мазамир ул Қуръан» китобидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади